



XALQ DEPUTATLARI SO'X TUMAN KENGASHI

QARORI

2022 - yil 13 - aprel

VI-53-42-11-159-K/22

So'x tumani hokimligi

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш тўғрисида

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш буйича қушимча чора-тадбирлар туғрисидаги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш мақсадида Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш буйича қушимча чора-тадбирлар туғрисидаги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарори асосида жорий йилнинг 1-февралдан 1-апрелга қадар ўтказилган уч босқичдан иборат жамоатчилик фикри асосида

тадбирларни шакллантириш жараёни натижалари бўйича туман ҳокимлиги молия бўлими мудир **З.Искандаров**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2.Ишчи гуруҳ хулосаларига асосан, Молия Вазирлигининг 2021 йил 6 сентябр кунги “Туман ва шаҳарларда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида ғолибларни аниқлаш юзасидан” қулланмаси талаблари асосида, энг кўп овоз олган, ID1460400033, ID1460400020, ID1460400023, ID1460400023, ID1460400035 таклифлар “ғолиб” деб топилсин ва ушбу таклифларни молиялаштириш бўйича “Манзилий руйхат” иловага мувофиқ тузилсин.

Бунда,

- жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар хажмининг купайиши ёки лойиҳанинг узгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йул қуйилмаслик;

- жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йуналтириладиган туман бюджети маблағлари туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағида жамланган маблағларни бошқа мақсадларга сарфланиши тақиқланиши белгилаб қуйилсин.

3.Тасдиқланган Манзилий руйхат асосида:

- Туман ҳокимлиги Молия бўлими (**З.Искандаров**) танлаб олинган тадбирларни молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида, буюртмачи ташкилотларига тегишли маблағ манбаси бўйича (4017) “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” махсус ҳисоб рақамлари очилишини;

- Туман ҳокимлиги ҳисобчиси в/б (**А.Алиев**) жамғарма маблағлари ҳисобидан тегишли буюртмачи ташкилотларга маблағлар йуналтирилишини;

- буюртмачи ташкилотлар ажратилган маблағларни лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда мақсадли ишлатилиши ва амалга оширилган ишлар бўйича Халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ишчи гуруҳга маълумот киритиб борилишини таъминласин.

4.Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби

(**А.Жураев**) ва туман молия бўлими (**З.Искандаров**) билан биргаликда:

жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ва “ғолиб” деб топилган тадбирларнинг молиялаштириши ҳамда амалга оширилиши лозим ишлар бўйича маълумотларни “Очиқ бюджет” порталига жойлаштирилиши ва кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

5.Туман бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йуналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгарлиги эслатиб ўтилсин.

6.Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш комиссия аъзолари зиммасига ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси раиси Н.Садирбеков зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi



С.Сайидмусаев

Сўх туман бўйича 2022 йил "Таънабўсги бюжет" жарёёнининг 1-босқичи натижаларига асосан
жамоатчилик фикри асосида шаклланиган таъбирларни молиялаштириш бўйича
МАЊИЛЛИ РЎЙХАТ

№	Тақлиф ID рақами	Қиссача мазмуни	Тўлган овозлари сони	Амалга оширининг аниқланган қиймати	Ҳақиқатга жам ажратилган маблаг	Фурқаролар таънабўси жам армаси	Шундан		Бюртмачи этиб белгиланган ташкилот
							Маҳаллий бюжетнинг кўшимча манбаллари хисобидан	Бюжет параметри лонрасида	
		Сўх тумани жам		2 870 000	2 870 000	2 870 000	0	0	
1	1460400033	Сўх тумани 11-сонли УЎТ мактабда ўқувчи сони қўллити , ўларнинг спортта бўлган қизиқиши , чегара ҳудудда жойлашганлиги, қушни давлат билан чегарадошлиги , мактаб туманининг юзи бўлгани ва спорт майдончаси аянчили ахволда бўлганлигини инобатга олиб таънабўсимизни қўлдаб қувватлашнингизни сўраймиз.	2080	380 000	380 000	380 000			Туман халқ таълими бўлими
2	1460400020	Ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 2-сонли умумий ўрта таълим мактабда 810 нафар ўқувчилар икки сменада тахсил оладилар. Мактабнинг биринчи (икки қаватли) биноси 2007-йилда муқаммаг таъмирдан чикарилган. Ҳозирги кунга қалар бирон марта таъмирланмаган. Унинг иситиш системаси ва бинони ҳолати таъмирта мўхтож. Мактаб ҳовлиси асфальти носоз ҳолатга келиб қолганлиги сабабли уни асфальтлаштириш ишлари олиб бориш талаб этилмақсда.	1966	400 000	400 000	400 000			Туман халқ таълими бўлими
3	1460400023	Себзор МФЙ нинг 1500 метр Тутикатор ва 1500 метр Олмазор ички кучаларини асфальтлаштириш	1771	960 000	960 000	960 000			Туман ободонлаштириши бошқармаси
4	1460400029	Сўх тумани Ленгур МФЙ да жойлашган 17 МТТ ни мамурий биносини тамирлаш ва агрофрнини девор билан урлаш	1698	300 000	300 000	300 000			Туман мактабгаъа таълими бўлими
5	1460400035	Қажир МФЙ Чинор кучасининг 1450м қисмини ва Себеда кучасининг 1150 метр қисмини асфальтлаштириш	1060	830 000	830 000	830 000			Туман ободонлаштириши бошқармаси